



O'ZBEKISTON OVOZI

2016-yil, 28-yanvar. Payshanba • 12 (32.071) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Биринчи ўқишда ЎзХДП фракцияси долзарб қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади

21 январь куни парламент куйи палатасининг мажлисида депутатлар бир қатор долзарб масалалар билан боғлиқ қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.

Айтиш керакки, мазкур қонун лойиҳалари аввалроқ сиёсий партиялар фракциялари, хусусан, ЎзХДП фракцияси йиғилишида ҳам муҳокама этилди.

Депутатлар чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ва уни бекор қилиш тартиб-қоидалари бўйича айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратишди.



Давоми 2-бетда.

ЎзХДП ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Сессияга киритилган масала

партия Сайловолди дастури амалга ошиши ҳамда электорат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутади

Мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг ҳозирги босқичида сиёсий партияларнинг ташаббускорлиги кучайиши, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалаларда депутатлар фаоллиги ошиши талаб этилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан 2015-2019 йилларга мўлжалланган амалий Ҳаракат дастури қабул қилинган эди.

Давоми 2-бетда.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



ЎЗБЕКИСТОН НОМИ БИЛАН

халқаро саҳналарга чиқаётган истеъдодли болалар Ватанимизни бутун дунёга танитмоқда

В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг 250дан ортиқ ўқувчиси Италия, Германия, Руминия, Греция, Англия, Испания, АҚШ, Голландия, Япония, Португалия сингари давлатларда ўтказилган халқаро танловларда ғолиб бўлишган. Биргина 2015 йилнинг ўзида 74 нафар ўқувчи халқаро танлов ва фестивалларда юқори ўринларни эгаллаган. Лицейнинг 2 нафар ўқувчиси — Тамилла Саримсоқова ҳамда Нодира Дадамухаммедова Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди, Достон Мирзакаримов эса «Нихол» мукофотига муносиб кўрилди.

Бугунги кунда ёш истеъдодларни кашф этиш, малакали мухтаassisлар тайёрлаш ва мусиқа санъатини янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистондаги етакчи таълим маскани ҳисобланган

мазкур лицейда ўқувчиларга фортепиано, торли чолғу, мусиқа назарияси, композиторлик, хор дирижёрлик, ўзбек халқ чолғулари, аънавановий ижрочилик, овоз оператори, академик хонандалик

ҳамда эстрада созандалиги каби йўналишларда таълим берилмоқда.

— Бизда ўқув жараёни икки босқичда амалга оширилади, — дейди лицей директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Дилдора Жамолова. — У бир-бири билан узвий равишда 12 йил бўлиб биринчи босқич 9, иккинчи босқич 3 йил давом этади. Ҳозирда таълим муассасамиздаги ўқувчилар профессорлар, фан номзодлари, машҳур артистлардан мусиқа сирларини ўрганишмоқда. 2011

йилда лицейимизнинг асосий бинолари қайта таъмирланиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бугунги кунда лицейимизда ўсмир ёшлар симфоник, пуфлама чолғулар, халқ чолғулари, юнисон скрипкачилар оркестри, аънавановий созандалар, дуторчилар ансамбллари фаолият кўрсатмоқда.

2016 йилда ўқувчиларимиз яна қатор халқаро танловларда иштирок этиши кўзда тутилган. Ютуқларимиз янада кўпаяди, деб ўйлайман.

Шаҳбоз САИДОВ

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Ўтган ҳафта республикамизнинг барча вилоятларида 2015 йил якунлари ва 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтди. Мазкур йиғилишларда қонунчиликдаги янгиликларга мувофиқ ҳокимларнинг ҳисоботлари ҳам эшитилди. Бу борадаги тартиб-қоидалар қайси қонунларда белгилаб қўйилган?

Феруз АЗИЗОВ, Бухоро вилояти.



Бунёджон ЭШОНҚУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Конституциямизнинг 103-моддаси 2014 йилда иккинчи қисм билан тўлдирилган. Унда вилоят, туман, шаҳар ҳокими тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботлар тақдим этиши, улар бўйича халқ депутатлари Кенгаши томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши белгиланган.

2015 йил июнь ойида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга 251 модда киритилган. Унга асосан ҳокимнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиш тартиби жорий қилинган.

Бундан кейин ҳокимлар ҳисоботи ҳар йили тегишли халқ депутатлари Кенгашининг вилоят, туман, шаҳарнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва жорий йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида эшитилади. Мазкур мажлис вилоятларда ҳамда Тошкент шаҳрида Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлиси бўлиб ўтганидан кейин ўн кундан кечиктирмай, туманлар ва шаҳарларда эса вилоятларда тегишли мажлисларидан сўнг ўн кундан кечиктирмай ўтказилади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини эшитишга давлат органлари вакиллари билан бирга, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органла-

ри, корхона-ташкilotлар, муассасалар, шу жумладан, нодавлат нотижорат ташкilotлар, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқа шахслар таклиф қилиниши ҳам мумкин.

Вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида берилган баҳолар ва белгиланган вазифалар ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Туман ва шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш Вазирлар Маҳкамасининг, шунингдек, халқ депутатлари вилоят Кенгашларининг мажлисларида берилган баҳолар, белгиланган вазифалар бўйича олиб борилади.

Эътиборли томони, вилоят, туман, шаҳар ҳокимининг ҳисоботини муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли халқ депутатлари Кенгашининг қарори қабул қилиниб, ҳоким ва маҳаллий иқроия ҳокимияти органлари ишининг самардорлигига комплекс баҳо берилади. Уларнинг ишини тақомиллаштиришга доир тавсиялар, таклифлар, қарор амалга оширилишининг бориши устидан назоратни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилади. Мазкур қарор ва ҳокимнинг ҳисоботи расмий нашрларда ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг веб-сайтларида эълон қилиниши шарт.

Мамлакатимизда

980

мингдан ортиқ иш ўрни ташкил қилинган бўлса, шунинг

60 фоиздан зиёди қишлоқ жойларда яратилди.

2015 йилда



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Грипп: хавотирга ўрин йўқ

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан барча даволаш-профилактика муассасаларида мавсумий грипп ва бошқа касалликларнинг олдини олиш, бу йўналишда диагностика-даволаш ишларини ўз вақтида амалга оширишга жиддий тайёргарлик кўрилди.

Янгиликлар, Хушxabарлар, Бунёдкорликлар...

Вояга етмаганлар масаласи доимий эътиборда

Хоразм

26 январь куни Хоразм вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Йиғилишни вилоят ҳокими, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия раиси Пўлат Бобоқонов бошқарди. Унда вилоят шаҳар ва туман комиссиялари аъзолари, ҳокимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда вояга етмаганлар тарбиясига масъул бўлган тегишли ташкilot раҳбарлари иштирок этди.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида вояга етмаганларга оид қонунлар ижросини таъминлаш, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳамда ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Комиссия йиғилишида таъкидлаштирилди, Хива туманида янги 144 ўринга мўлжалланган Болалар шаҳарчаси барпо этилиб, объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишларига қарийб 17 миллиард сўм маблағ сарфланди. Ушбу шаҳарчада 18 замонавий ўй бунёд этилган бўлиб, ҳар бир уйда 6-8 болага 1 нафар она бириктирилган. Шаҳарча ҳудуди кўкаламзорлаштирилиб, стадион, спорт зали, ёпиқ сув ҳавзаси, фаоллар зали ва бошқа бинолар барпо этилган.

Фуқаролик суди

янги бинода

Сирдарё вилоят фуқаролик судининг қайта реконструкция қилинган, мукамал таъмирдан фойдаланишга маъмурий биноси қайдаланишга топширилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимлигининг расмий сайти хабар бермоқда.

Унда янги суд зали, автогараж, ошхона барпо этилди. Эътиборга сазовор жойи шундаки, замонавий биного кўёш батареяси ҳам ўрнатилган.

Фуқаролик суди янги биносининг очилиш маросимида Сирдарё вилояти ҳокими Ойбек Ашурматов иштирок этди.

Даштободда

бозор фойдаланишга топширилди

Яқинда Даштобод шаҳрида қад ростлаган деҳқон бозорининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Зомин тумани ҳокими Баҳриддин Сафаров кириш сўзи билан очди. Бу ҳақда Жиззах вилоят ҳокимлиги расмий сайти хабар бермоқда.

Халқимизда қайси юрт одамларининг қандай яшаётганини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини бориб кўр, деган ҳикматли гап бор. Бугун даштободликлар ҳар қачонгидан хурсанд. Уларнинг узоғи яқин бўлди.

Қарийб 4,5 гектар майдонни ўз ичига олган мазкур бозорнинг 4 павильониди 360 савдо ўрни мавжуд. 120 квадрат метр майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаш омбори, 9000 квадрат метр майдонда автомобиль сақлаш ва тўхташ майдони бунёд этилди. 170 метрдан ичимлик суви чиқарилди. Келгусида 400 квадрат метр майдонда автомобиль бозори ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Маросимда Жиззах вилояти ҳокими Сайфиддин Исмоилов иштирок этди.

ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

2015 йилда ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ АЪЗОЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 275 ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА 15 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛ-ХОНАСИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 641 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ ВА ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 38 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 7 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 2 МАСАЛА СЕССИЯГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ПАРЛАМЕНТ ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

■ Депутатлар чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш ва уни бекор қилиш тартиб-қоидалари бўйича айрим қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга алоҳида эътибор қаратишди.

■ ДАВРА СУХБАТИ

Навой Иссиқлик электр станциясида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан давра суҳбати ўтказилди. Унда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги тахрирда) қонун лойиҳаси ҳақида сўз юритилди. Учрашувда вилоятдаги йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари масъуллари, касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари иштирок этди.

Меҳнат муҳофазаси — долзарб масала

— Одамларга муносиб иш шартини яратиш билан бирга, уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муҳим масала, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Аҳад Аҳмедов. — Бу, албатта, меҳнат қонунчилигини янада такомиллаштиришни тақозо этади. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун 1993 йилда қабул қилинган. Ушбу қонун бугунги ҳимоя бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига ва иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларга тўлиқ мос келмайдди. Шу боис қонунни янги тахрирда қабул қилиш зарурати юзага келди. Қонун 29 моддадан ташкил топган, янги тахрирдаги лойиҳаси эса 45 моддадан иборат бўлмоқда.

Қонунга меҳнат муҳофазасини кучайтиришга доир қатор меъёрлар киритилмоқда. Хусусан, ташкилотларда иш берувчи ва ходимнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса ҳолатларини яшириш ёки ўз вақтида текшириш ўтказмаслик бўйича сансалорликларнинг олдини олиш чоралари кўзда тутилмоқда. Аҳамиятисиз, қонунга ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқиш пайтида 20 дан ортиқ ривожланган давлатларнинг илгор тажрибаси, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатлари ўрганилди.

— Навой вилояти саноатлашган ҳамда йирик корхоналарга эга бўлгани боис, ишчиларга муносиб шароит яратишга алоҳида эътибор қаратиш зарур, — деди Навой вилоят қараб-уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Назира Тоғаева. — Бу эса меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда янада такомиллаштиришни тақозо этади. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши меҳнат муҳофазаси самарали ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Қонун лойиҳасида иш берувчининг масъулиятини ошириш, касб касалликлари ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш билан боғлиқ меъёрлар белгиланаётган экан. Бундан ташқари, унда касаба уюшмаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бу ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Учрашув сўнггида иштирокчилар томонидан ишчиларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш юзасидан қонун лойиҳасига тақлифлар берилди.

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БИРИНЧИ ЎҚИШДА

ЎзХДП фракцияси долзарб қонун лойиҳаларини қўллаб-қувватлади

Турсунпўлат НОРБОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Гап шундаки, халқаро ҳужжатлар, хусусан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция чет эл фуқароси бўлган болани, у яшаб турган давлат қонунчилигига асосан, чет элда фарзандликка олиш имкониятини беради. Мамлакатимиз қонунчилигида эса чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш тартиби ақс этмаган.

Ривожланган давлатлар қонунчилиги ва амалиётининг таҳлили чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш анча мураккаб ва нозик масала эканини кўрсатмоқда. Шунинг учун бошқа давлат фуқароси бўлган ёки ўзга давлат ҳудудида доимий яшаш жойига эга фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка олиш билан боғлиқ муносабатларни тўлиқ қамраб олиш мақсадида мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мўлжалланмоқда.

Ақсавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Оила кодексига киритилаётган янги моддага асосан бошқа давлат фуқароси бўлган ёки ўзга давлат ҳудудида доимий яшаш жойига эга фуқаролиги бўлмаган фақат етим болаларни (фар-



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

зандликка олувчи боланинг қариндоши бўлган ҳолларда) фарзандликка олишга йўл қўйилиши белгиланмоқда. Шунингдек, ўрнатилган тартибга кўра, агар фарзандликка олувчи икки йил давомида Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи болани миллати, irqи, этник мансублиги ёки ёшига оид белгилар сабабли фарзандликка ололмаган бўлса ва бу Халқ таълими вазирлигининг тегишли маълумотномаси билан тасдиқланса, бошқа давлат фуқароси бўлган болани фарзандликка олишга йўл қўйилиши кўзда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Консуллик уставида тегишли ўзгартиш киритилма-

ти. Унга асосан, Консул қонунчилигида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида доимий яшовчи Ўзбекистон Республикаси фуқароларига фарзандликка олиш рухсатномасини бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланмоқда.

Шунингдек, фарзандликка олиш бекор қилинганда боланинг хоржий давлатга қайтарилиши ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тугаллини, болани қабул қилиш рад этилган тақдирда эса уни фарзандликка олувчи ҳисобидан вояга етгунга қадар таъминлаш мажбурияти ўрнатилмоқда.

Бошқа давлат фуқароси бўлган ёки ўзга давлат ҳуду-

Ривожланган давлатлар қонунчилиги ва амалиётининг таҳлили чет эл фуқароси бўлган болани фарзандликка олиш анча мураккаб ва нозик масала эканини кўрсатмоқда.

дида доимий яшаш жойига эга фуқаролиги бўлмаган болани фарзандликка олиш, қолаверса, уни бекор қилиш тартиб-қоидаларини жорий

этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларга ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмапти.

Йиғилишда, шунингдек, фракция аъзолари тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ қонун лойиҳасини ҳам қўллаб-қувватлади. Мазкур қонун лойиҳаси «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг айрим нормаларини Жиноят-процессуал кодекси нормаларига мослаштириш ва уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлашга қаратилган.

Фракция аъзоси Шухрат Мамажоновнинг айтишича, қонун лойиҳасида тезкор-қидирув тадбирлари тушунчаларини аниқлаштириш, соҳада ўтказилмаган тадбирларда қонунчилик тўғри қўлланилиши билан боғлиқ чоралар кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, халқаро ҳуқуқ талабларини миллий қонунчилигимизга мослаштириш масаласи ҳам эътиборга олинмоқда.

Ўзбекистон ХДП фракцияси кун тартибидagi қонун лойиҳаларини электротат манфаатлари нуктаи назаридан келиб чиқиб атрофлича муҳокама қилгач, қонунчилик ҳаётдан қўллаб-қувватлади.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ ЎзХДП ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

Сессияга киритилган масала

партия Сайловолди дастури амалга ошиши ҳамда электротат манфаатлари ҳимоясида муҳим ўрин тутди

Унда партиямиз Сайловолди дастуридаги устувор вазифаларни амалга ошириш, электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор қонунчилик ташаббуслари билан чиқиш, ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган муҳим масалаларга ечим топиш ҳамда қонунлар ва давлат дастурларини ижроси бўйича депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган чоралар белгиланган. Хусусан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари ишнини мувофиқлаштириш кўзда тутилган.



Хўш, ўтган йили партия ташкилотлари ва гуруҳлари томонидан мазкур Ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича нима ишлар қилинди? Электротат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қандай ташаббуслар билини кучайтди? ЎзХДП Марказий Кенгаши Аҳоли бандлиги ва ижтимоий сиёсат масалалари бўлими мудири Назира Матқубова билан суҳбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Сайловчилар ишончини оқлашда Ҳаракат дастурида ижроси таъминлини долзарб аҳамият касб этади, — дейди у. — Ўтган йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари-

даги партиямиз гуруҳлари томонидан 189 масала ўрганилган. Шундан 127 масала доимий комиссия йиғилишларида, 87 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди. Айниқса, Андижон, Жиззах, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидаги партия гуруҳлари сай-ҳаракатлари билан бу борада самарали натижаларга эришилди.

— Ҳаракат дастурига асосан маҳаллий Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари ташаббуси билан электротат манфаатларига хизмат қиладиган қандай муҳим масалалар ўрганилди?

— Партия мақсад ва вазифаларининг устувор йўналиши бўлган бандлик: касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар, соғлиқни сақлаш: аҳолига биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш, қишлоқ жойларида қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техник базасини яхшилаш, пенсия ва нафақаларнинг манзиллигини ўрганиш, ёш оилаларнинг имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жойлар билан таъминлини масалалари партия гуруҳларининг асосий эътиборида бўлди.

Шунингдек, таълим тизимини янада ривожлантириш, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, болаларнинг спорт билан шуғулланиши учун қулай шароит яратиш, кам таъминланган оилалар қизларини спорт қийимлари ва анжумлари билан таъминлаш, коммунал соҳа ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш, касаначиликни изчил йўлга қўйиш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганилиб, таҳлил этилди. Соҳаларда аниқланган камчиликлар мутасадди ташкилотлар кўмаги билан бартараф этилди.

— ЎзХДП Сайловолди дастурида касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга кўмаклашиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Хўш, Ҳаракат дастури доирасида қайси ҳудудлардаги партиядошларимиз кўпроқ ташаббус кўрсатди?

— Албатта, ҳар бир партия гуруҳимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар 33 ҳудудда тегишли тартибда чуқур ўрганилди. Уларнинг 11 таси доимий комиссиялар ҳамда 15 таси сессиялар муҳокамага олиб чиқилди. Яъни, битирувчиларни иш билан таъминлаш масалалари мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида аниқ факт ва рақамлар асосида атрофлича муҳокама қилинди. Зарур ҳолларда маҳаллий ижро ҳокимияти идораларининг ахборотлари тингланиб, хато-камчиликларни бартараф этиш, айниқса, масъулиятни кучайтиришга қаратилган қарорлар қабул қилинишига эришилди. Хусусан, ушбу масала Андижон вилоятининг Олтинқўл, Жиззах вилоятининг Мирзачўл, Наманган вилоятининг Чуст, Самарқанд вилоятининг Ургут, Пахтачи, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Тошкент вилоятининг Оқангарон, Тошкент шаҳрининг Бектемир, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Хоразм вилоятининг Хива, Янгибозор туманлари ва Сирдарё вилоятининг Гулистон, Сурхондарё вилоятининг Термиз ва Тошкент вилоятининг Ангрэн шаҳар Кенгашлари сессияларида муҳокама қилинди.

Аммо шуну ҳам айтиш керакки, Ҳаракат дастури ижросида барча партия ташкилотлари ва гуруҳлари фаоллик кўрсатди, десак, тўғри бўлмайдди. Тан олиш керак, амалий ишлар билан бирга айрим туман, шаҳар партия ташкилотлари ва гуруҳ-

Ўтган йили халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари томонидан 189 масала ўрганилган. Шундан 127 масала доимий комиссия йиғилишларида, 87 масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

лари томонидан қатор камчиликларга йўл қўйилди, баъзилари ўз имкониятларидан самарали фойдалана оlishмади. Ҳаракат дастурида йил давомида ҳар бир туманда электротат манфаатларига дахлдор бўлган битта масалани Кенгашлар сессияларида муҳокама қилиш режалаштирилган эди. Бироқ баъзи масалалар фақатгина партия гуруҳларида муҳокама қилиниб, доимий комиссия ва сессия даражасига олиб чиқилмади. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши томонидан бу борадаги сусткашликларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди. Жорий йилда электротат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қўллаб-қувватлаш мақсадида доимий комиссиялар ва сессияларга олиб чиқилиб, муҳим қарорлар қабул қилинади. Бугун зиммамизда кечагидан муҳимроқ ва кўпроқ вазифалар турибди. Амалий ишларимиз, ташаббусларимиз, ютуқларимиз ҳам кўпайиши учун каттиқ туриб курашмоғимиз керак бўлади.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Гулрўх ОДАШБОВА
суҳбатлашди.

■ ТАДБИР

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ҳамда Сергели туман кенгаши томонидан Ўзбекистон Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганлигининг 24 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Миллий авиакомпания 24 ёшда

Тадбирда сўзга чиққанлар Миллий авиакомпаниянинг ташкил этилганидан шу вақтга қадар амалга оширилган иш-хотлар ва уларнинг юксак самаралари ҳақида тўхталиб ўтишди.

— Хавфсизлик, барқарорлик ва қулайлик авиакомпания фаолиятининг бош мезонидир, — дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК бош директорининг биринчи ўринбосари Владимир Ким. — Шу йиллар мобайнида авиакомпания жаҳон авиабозоридagi кескин рақобат шароитида йўловчиларга хавфсиз ва қулай хизмат кўрсатадиган барқарор, жадал ривожланиб бораётган авиаташувчи эканини исботлади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда замонавий моддий-техник база ва юқори малакали кадрларга эга қудратли, халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган фуқаро авиацияси яратилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хайдар Бобонова «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ходимларини Миллий авиакомпания ташкил топганлигининг 24 йиллиги баҳани табриқлаб, бир қатор фахрийларга эсдалик совғалари топширди.

Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ БУНЁДҚОРЛИК

Маданият ва дам олиш масканлари

фойдаланишга топширилмоқда

Хоразмда қишлоқ жойларда аҳолининг маданий хордиқ чиқариши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун янги маданият ва аҳоли дам олиш масканлари бунёд этилмоқда.

Қуни кеча Богот туманининг Қипчоқ қишлоғида ана шундай маскан фойдаланишга топширилди. Бу ерда мусиқа, каштачилик, шахмат-шашка каби ўнга тўғарак иш бошлади. Ўнга яқин иш ўрни яратилди.

Эътиборли томони, мазкур қишлоқдаги жамоа ҳўжалигига узоқ йиллар Ўзбекистон Қаҳрамони, партиямиз фаоли Машариф Қувоков бош бўлган. У кишининг ташаббуси билан қишлоқда музей ҳам ташкил қилинган. Бу музейдан қишлоқ тарихи, истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдқорлик ишларини ақс эттирувчи экспонатлар жой олган. Мазкур музей эндиликда Машариф Қувоков номи билан аталмоқда. Музей учун Қипчоқ маданият ва аҳоли дам олиш маскани мажмуасида алоҳида хона ажратилди.

Яқин йиллар ичида вилоятнинг чекка қишлоқларида 65 маданият ва аҳоли дам олиш маскани бунёд қилиниб, ишга туширилиши режалаштирилган.

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2016 йил — соғлом она ва бола йили

■ Янги тиббиёт маркази Ҳиндистондаги «Medanta» клиникаси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

ЯНГИЛИКЛАР

Euronews телеканали Марғилон шойисига бағишланган репортажни эфирга узатмоқда

Euronews телеканали ўзбек халқининг бой маданий меросига бағишланган туркум кўрсатувларини давом эттирмоқда. Бу ҳақда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси матбуот хизмати хабар бермоқда.

25 январь куни «Ўзбекистондан ортиқлар» дастурининг Марғилон шойисига бағишланган тўртинчи қисми эфирга узатилди. Мазкур дастур 31 январьга қадар такроран намойиш этилади.

Эслатиб ўтамиз, Euronews телеканали 2013 йилдан бошлаб юртимизнинг сайёҳлик салоҳиятини намояндашиштириш мақсадида Ҳиндистонда малака оширганлиги бунинг амалдаги исботидир.


«Vitamed Medical» — ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

Пойтахтимизда очилган кўп тармоқли «Vitamed Medical» тиббиёт марказида радиология, лаборатория, эндоскопия, функционал диагностика, амбулатор-поликлиника текширувлар ўтказиш ва даволаш, жарроҳлик, стационар даволаш, физиотерапия, тиббий физкультура ва шошилинч тиббий ёрдам каби хизматлар йўлга қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, янги тиббиёт маркази Ҳиндистондаги «Medanta» клиникаси билан ҳамкорликда иш олиб боради. Чунинчи марказнинг 14 нафар ходими ўз соҳаси бўйича диагностика, даволаш ва реабилитация йўналишларидаги замонавий услублар билан танишиш мақсадида Ҳиндистонда малака оширганлиги бунинг амалдаги исботидир.

— Марказимиз айнан Соғлом она ва бола йилида очилганидан мамнунмиз, — дейди тиббиёт маркази бош шифокори Фарҳод Илҳомов. —

Фаолиятимизнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда бемор ҳар қандай масала бўйича маслаҳат олиши, ис-талган тиббий таҳлиллар, эн-доскопия, мукаммал юқори технологияли текширувлардан ўтиши, функционал диагнос-тика хизматидан фойдалани-ши, стационар шароитда да-волашни, зарур бўлганда шо-шилинч тиббий ёрдамни ҳам шу ернинг ўзида олиш имко-нига эга. Яна бир ноёб жиҳа-ти — ишлар электрон алма-шинуви асосида йўлга қўйи-лишида ҳамдир: шифокор ва бемор ўртасидаги ҳар бир



Салҳар ШОТУЛАТОНОВ олган сурат.

муомала босқичлари электрон марказ серверида сақланади. Тиббиёт марказининг очи-лиш маросимида Ҳиндистон-нинг «Medanta» клиникаси етакчи мутахассислари — Му-неш Томар, Аджая Нанд Жа,

Вайд Ашок иштирок этиб, бе-морларга маслаҳатлар бериш-ди.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

Кўркам таълим ва тарбия даргоҳлари

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларидан бирида — Сарисоё туманида 150 минг нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Уларнинг 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Мустақиллик йилларида бу ҳудудда ўндан ортиқ касб-хунар коллежлари, кўплаб соғломлаштириш мажмуалари фойдаланишига топирилди. Замонавий мусиқа ва санъат мактабида иқтидорли болалар тарбияланмоқда.

Туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимидан олинган маълумотларга қараганда, нисбатан қисқа давр мобайнида 27 мактаб реконструкция қилинган, 35 зиёв масканга капитал, 14 таси эса жорий таъмирланган. Туман марказидан 70-80 километр олинган жойлашган 42-умумтаълим мактабининг 100 ўринли ва 18-умумтаълим мактабининг 120 ўринга мўлжалланган филиаллари ўтган ўқув йилида ёшларни ўз бағрига олди.

Бўлим тасарруфидаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳам асосий қисми кишлоқ жойларида бўлиб, уларда 1800 нафардан ортиқ кичкин-той тарбияланмоқда

— Масканимиз туман маркази-дан 15 километр олинган жойлаш-ган, — дейди 19-мактабгача таъ-лим муассасаси мудири Муаззам Аҳмедова. — Бешта гуруҳда 90 на-фар ўғил-қиз тарбияланмоқда. Уларга малакали устозлар инглиз тилидан пухта сабоқ берапти. Ба-дийий гимнастика, пазандчилик, хунармандчилик тўғрисидаги ма-ълумотларни ҳам асосий қисми кишлоқ жойларида бўлиб, уларда 1800 нафардан ортиқ кичкин-той тарбияланмоқда

— Утган йили муассасамиз таъ-мирланиб, қулай ва шинам масканга айланди, — дейди 15-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси Матлуба Ёдгоровна. — Махсус



Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎРГАЗМА

Тошкент Фотосуратлар уйда Искан-дар Содикзоданинг «Японияга ташриф» номли шахсий фотокўргазмаси очилди.

Суратларда Япония тасвири

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги дўстлик ва ҳам-корлик изчил ривожланиб бораётгани, ма-даний-гуманитар алоқалар уни янада му-стаҳкамлашга хизмат қилаётгани таъкид-ланди.

Ижодкор 2015 йилда Японияда бўлиб ўтган халқаро фестивалда «Шаҳардаги энг севимли жой» мавзусидаги асарлари бил-лан қатнашиб, фахрли ўринни қўлга ки-рипти. Японияга савҳати хақида туркум фотосуратлар яратди.

— Кўргазмада тўқсондан ортиқ фото-сурат намойиш этилмоқда, — дейди И.Содикзода. — Уларда асосан Япония манзаралари, тарихий обидалари, япон халқининг яшаш тарзи, урф-одатлари, миллий байрамлари, бир-бирига меҳр-оқибати акс эттирилган.

Кўргазма доирасида Тошкент Фото-суратлар уйининг ижодий фотография мактаб-студияси битирувчиларининг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

Ш.МАМАТУРОПОВА, ўзА мухбири.

Халқ бахшиси

иштирокида дoston кечаси

Ўзбекистон давлат санъат музейи ҳамда «Oxus Culture» ташкилоти ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ бахшиси Абдуназар Поёнов иштирокида дoston кечаси ўтказилади. Унда ўзбек халқ озғакчи ижоди намуналаридан бири бўлиши «Келиноиб» достони ижро этилади. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.

Таниқли бахшнинг ре-пертуаридан «Алломиш» ва «Гўрўли» достонлари тур-кумига кирувчи бир қанча достонлар, шунингдек, халқ кўшиқлари, термалар ўрин эгаллаган. Унинг ижросида-ги бир қанча дoston ва кўшиқлар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси олтин фондидан ўрин ол-ган.

Шунингдек, у Франция, Бельгия, Швейцария, Тур-кия, Озарбайжон, Қозоғис-тон ва Қирғиз республика-си каби давлатларда ижодий сафарларда бўлиб, ўзбек бахшчилик аънана-ларини дунё халқлари ора-сида муносиб тарғиб қилиб келмоқда.

«Хисор давлат кўриқхонаси» почта маркалари

«Ўзбекистон почтаси» Акциядорлик жамияти томонидан тайёрланиб, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазир-лиги томонидан муомала-га чиқарилди.

«Ўзбекистон почтаси» АЖ матбуот хизмати бер-ган хабарга кўра, мазкур туркум 4 почта маркаси-дан ва 1 почта блокдан иборат. Почта маркаларида Хисор давлат кўриқхонаси-да мавжуд бўлган Қизил китобга киритилган ноёб ҳайвонлар тасвирланган.

РЕКЛАМА

ЗАВОД "KRANTAS"

- Бензовозы 4, 8, 10, 12, 16 м³
- Водовозы - 4, 8, 12 м³
- Вахтовье автобусы 4x4 - 22 места, 6x6 - 26 мест
- Комбинированные поливомоечные машины 4, 8 м³
- Кислотовозы 6, 8, 10 м³
- Автогудронаторы 6, 8 м³
- Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент, Тел./Факс: (+998 71) 262-97-78, (+998 71) 262-23-61
Моб.: (+998 90) 188-15-33, (+998 90) 187-52-05
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

СПОРТ

Пойтахтимиздаги «Пахтакор» марказий стадиони маж-лислар залида футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва навбатдаги мамлакат кубоги баҳсларига қуръа ташланди.

Ғолиб жамоа олий лигага йўлланма олади

— Ўтган мавсумни муваффақият-ли якунлаган Тошкентнинг «Обод» жамоаси олий лигага қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, — деди Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси бош директори Фарҳод Магометов. — Биринчи лигада ик-кинчи погонани эгаллаган пойтахти-мизнинг яна бир жамоаси — «Оқтепа» футболчилари эса кучлилар сафига қўшилиш учун кечган баҳсда Жиз-захнинг «Сўғдиёна» вакилларига им-кониятни бой берди. Янги мавсумда биринчи лигада ўн саккизта жамоа би-р — сафар тизимида икки даврдан иборат мусобақада иштирок этиши кўзда тутилган. Ғолиб тўғридан-тўғри олий лига йўлланмасини қўлга ки-ритса, иккинчи ўрин соҳиби «Плей-офф» учрашувида омадини синаб кўради.

Биринчи лига учрашувлари 3-4 апрель кунлари бошланади. Дастлабки турда қуйидаги жамоалар ўзаро куч синашади:

- «Локомотив БФК» (Тошкент) — «Оқтепа» (Тошкент)
- «Нурафшон» (Бухоро) — «Косон-сой» (Косонсой)
- «Ғиждувон» (Ғиждувон) — «Хо-тира-79» (Уйчи)
- «Езёвон лочинлари» (Езёвон) — «Зомин» (Зомин)
- «Цементчи» (Қувасой) — «Дина-мо» (Самарқанд)
- «УзДонгЖу» (Андижон) — «Машъал-2» (Муборак)
- «Норин» (Ҳаққулобод) — «Насаф-2» (Қарши)
- «Орол» (Нукус) — «НБУ-Осиё» (Тошкент)
- «Хоразм» (Урганч) — «Пахтакор-2» (Тошкент)

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон кубоги — 2016 баҳсларига ҳам қуръа ташланди. Унга кўра, дастлабки бос-қичда «Езёвон лочинлари» — «Норин», «Орол» — «Хоразм», «Хотира-79» — «Косонсой», «Нурафшон» — «Ғижду-вон», «Насаф-2» — «Машъал-2», «Пах-такор-2» — «Локомотив БФК» жуфтлик-лари ўзаро рўбарў келади. Учрашу-влар 14 март куни бўлиб ўтади. Ғолиб-лар Ўзбекистон кубоги 1/16 финал бос-қичига йўллангани қўлга киритади.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 28-29.01 — 2016

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

-8 / +13 0 / -5

Бухоро ва Навоий вилоятлари

0 / -5 -2 / +3

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

0 / -5 -2 / +3

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

0 / -5 0 / +5

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

0 / +5 0 / +5

Тошкент шаҳри

0 / -2 0 / +2

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +11 / +12

Париж +9 / +12

Москва +3 / +2

Мадрид +12 / +14

Пекин 4 / -1

Канберра +25 / +26

Рим +17 / +17

Афина +17 / +18

Токио +7 / +8

Стокгольм +4 / +6

Кейптаун +26 / +29

Қоҳира +15 / +17

Гавана +26 / +22

Вашингтон +5 / +4

MUASSIS:

Abdulla ORIPOV Ulug'bek Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV MUSTAFOYEV Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

Tahrir hay'ati:

Abdulla ORIPOV Ulug'bek Saidahmad RAHIMOV

Hotamjon KETMONOV MUSTAFOYEV Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV Muslihidin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA

Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxonasi — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17390
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.25
Topshirilgan vaqti — 22.55

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433

1 2 3 4 5 6